

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 16 сентабр, Сешанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 182 (11.243) Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш Бош бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Президентимиз тақдимномасига биноан «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги 2008 йил 28 августдаги қарори ижросига бағишланган семинар йиғилиши бўлиб ўтди.

● Урганч шаҳридаги «Авесто» боғида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган «Келажак овози» кўриктанловининг Хоразм вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

● Жиззах шаҳридаги Ёшлар марказида «Дўст билан обод уйинг» мавзuida болалар фестивали бўлиб ўтди.

● Хоразм вилояти Адлия бошқармасида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — асосий вазифамиз» мавзuida амалий семинар машғулотли ўтказилди.

● Олтириқ туманида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши Охангарон тумани «Тадбиркор аёл» уюммаси билан ҳамкорликда «Фермер аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва маъқеини ошириш» мавзuida ўқув машғулотли ўтказди.

● Қибрай туманидаги Туроб Нормухамедов номли агрофирмада мева-сабзавотларни қайта ишловчи «Fruits SEASON» корхонаси янги тушди.

● Фузор молия-иқтисод коллежи битирувчиларидан 37 нафарига «Микрокредитбанк» томонидан минимал иш ҳақининг 50 баробари миқдорда имтиёзли кредитлар берилди. Ушбу кредитлар кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга сарфланади.

ЖАҲОНДА

● Яқшанба куни Москвадан Пермь шаҳрига парвозни амалга оширган «Аэрофлот Норд» авиакомпаниясига қарашли «Boeing 737-500» ҳаво лайнери ҳалокатга учради. «Интерфакс» ахборот агентлиги маълумотига кўра, самолёт бортидаги 82 йўловчи ва 6 нафар экипаж аъзоларининг барчаси ҳалок бўлган. Шу муносабат билан кеча Пермь шаҳрида мотам эълон қилинди.

● Мексиканинг Тихуана шаҳри қамоқхонасидаги маҳбуслар ва кўриқлаш хизмати ходимлари ўртасида жиддий тўқнашув бўлиб ўтди. АР ахборот агентлиги хабарига кўра, галаёнга 2 нафар маҳбуснинг полиция ходимлари томонидан ўлдирилганлиги сабаб бўлган.

● Бир неча ҳафтадан буён фаол ҳаракатда бўлиб турган «Айк» тўфони келтираётган иқтисодий зарар миқдори ошиб борапти. Кузатувчиларнинг маълум қилишича, табиий офат яқшанба куни АҚШнинг Мексика кўрфазидига ўндан ортиқ нефть платформаси ва бир неча йирик нефть қувурларига жиддий зарар етказган.

● «Sony Ericsson» компанияси жорий йилнинг 30 сентябрдан бошлаб «Sony Ericsson Xperia X1» русумли қўл телефонларини сотувга чиқара бошлайди. Мазкур мобил телефонлари сўнги пайтларда харидоригр бўлиб бораётган «iPhone» телефонлари билан кучли рақобатга кириб ўз устунлигини намойиш қилади.

● 15 сентябр куни АҚШнинг энг йирик тўртта банклари сафидан жой олган «Lehman Brothers» банки ўзини банкрот деб эълон қилди. Шу йилнинг учинчи чораги ҳисоб-китобларига кўра 3,9 миллиард зарар кўрган мазкур банк АҚШда давом этаётган кредит инқирозининг навбатдаги қурбонига айланди.

● Юта штати Душейн округида истикомат қилувчи 28 ёшли фуқаро каламушларда учрайдиган хантавирус сабабли касалхонага тушган кунийк вафот этган. Фуқаро каламуш ўлигини тозалаётганда нафас йўлини беркитмаган. Вирус гемморрагик талваса ва буйрак синдроми каби касалликларни чақиради.

● Корея Халқ Демократик Республикаси Президентини Ким Чен Ир 14 август куни инсультни бошдан кечирди деб хабар беради Япониянинг Киодо ахборот агентлиги. Уни операция қилиш учун Хитойдан беш нафар ҳарбий шифокор келган ва айни вақтда бемор тузалиш арафасида.

● Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши курашга бағишланган конференцияси Венанинг Хофбург саройида иш бошлади, деб хабар қилади РИА Новости. Конференцияда 50 мамлакатдан 300 нафар делегат, нодавлат ва халқаро ташкилот, шунингдек, БМТ ва Европа Иттифоқининг вакиллари иштирок этмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **ЁШЛАР** йили муносабати билан Шайхонтоҳур тиббиёт коллежида ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбирда аудио тренинг ва интернет хоналари ташкил этиш режалаштирилганлиги, коллежга таълим самарадорлигини яхшилаш мақсадида педагогик технологиялар, тиббиёт жиҳозлари келтирилганлиги таъкидлаб ўтилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** «Камолот» ЁИХ ва акциядорлик тижорат «Микрокредитбанк» ҳамкорликларида ёшлар ўртасида ташкил этилган «Ёш тадбиркор — элга мададкор» танлови доирасида уюштирилган семинарда ёш тадбиркорлар иштирокида таъкидланди.

● **ХАЛҚАРО** ҳамкорлик марказида ўтказилган матбуот анжуманида «Usell» уяли алоқа компанияси томонидан «Учинчи алоқа» уяли алоқа тизими янги хизмат тури жорий этилганлиги маълум қилинди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида ўтказилган халқаро талабалар форумида Япония олий ўқув юртлирида тахсил олаётган ёшлар ҳам иштирок этишди. Форум доирасида «Тил — маданият ва жамият цивилизациялари жараёнида» мавзuida анжуман уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида ўқитувчилар, иқтисодчи олимлар иштирокида ўтказилган тадбир «Ўзбекистон олий таълими тизимида сифат таъминоти» деб номланди.

● **«ЖАР»** спорт мажмуасида кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилиги якунланди, ғолиблар тақдирланди.

● **МИРОБОД** туманидаги Фафур Фулом номи маданият уйида «Ўзбекистон — Ватаним» кўшиқлар кўрик-танлови ғолиби, хонанда Шавкат Ражабов билан ўтказилган ижодий учрашув туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ҲАМЗА** туман маданият ва спорт ишлари бўлими ва туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида ёшлар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Юксак маънавият — энгилмас куч» деб номланди.



(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

БУГУН И.М.ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ФИЛИАЛИДА ЮРТИМИЗНИНГ ТУРЛИ ХУДУДЛАРИДАН 240 НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗ ТАХСИЛ ОЛМОҚДА.

2008 — Ёшлар йили

Замонавий лаборатория, ёруғ ва кенг аудиториялар, лингафон хоналари, компьютерлаштирилган синфлар, ахборот маркази, спорт зали, талабалар уйи, меҳмонхонадан иборат ушбу университет худуди — яшил комплекс 10 гектар майдонни эгаллаган.

Ўтган йил январь ойида Президентимиз Ислон Каримов Тошкентда Россиянинг мазкур университети филиалини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни имзолаган бўлса, ордан саккиз ой ўтиб, бу



ОМАДЛИ ЁШЛАР

ерда дарслар ўқитила бошланди. Эйтиборли жиҳати шундаки, қисқа муддат ичида қурувчилар, лойиҳачилар, дизайнерлар ҳамда кўкаламзорлаштириш билан шуғулланадиган мутахассислар томонидан ушбу талабалар мажмуасини барпо этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Дастлаб 100 нафардан ортиқ талаба ўқишга қабул қилинган бўлса, келгусида бу ерда 800 нафар ёш таълим олади.



ПАРВОЗЛАР ЯНАДА ҚУЛАЙ БЎЛАДИ

«ТОШКЕНТ» АЭРОПОРТИДА ЯНГИ «ИЛ-114-100» САМОЛЁТИДА «ТОШКЕНТ-ҚАРШИ-ТОШКЕНТ» Йўналиши бўйича АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЛК ПАРВОЗ ТАҚДИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «В.П.Чкалов» номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти, «Ильошин номидаги авиация комплекси» очик акционерлик жамияти (Россия), Халқаро авиация кўмитаси, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Парвоз олдидан «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамиятида россиялик ҳамкорлар билан биргаликда ишлаб чиқарилган янги замонавий самолёт билан танишиш маросими бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳаво кемаси мамлакатимиз авиасозлари томонидан миллий авиакомпаниямизга тақдим этилган иккинчи лайнер ҳисобланади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори В.Тянин таъкидлашича, мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан фуқаро авиацияси ҳамда авиация саноатини ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кўрбощимизнинг авиасозлар ва авиаташувчилар ҳақида қарқувлиқ кўрсатаётгани, уларнинг эҳтиёжлари ҳамда фаолиятига эътибор қаратаётгани туфайли ушбу соҳада салмоқли натижаларга эришилмоқда. Ҳамкорликдаги ушбу лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши ҳам бундан ёркин далолатдир.

Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, «ИЛ-114-100» лайнери замонавий авиаташувчилар бозорининг барча талабларига жавоб беради ва ўқитиш-таълимнинг уйғунлиги билан ажралиб туради. Бу эса ёқилғи нархи тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда жуда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, «Ан-24» самолёти «ИЛ-114-100» лайнерига қараганда 50 фоиз кўп ёқилғи сарфлайди. Янги самолёт нафақат конструкция параметрлари, балки бошқа барча ўзига хос жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Самолёт синовдан жуда яхши ўтди.

«ИЛ-114-100» лайнери тўлиқ модернизация қилинган. Экипаж кабинаси, унинг ускуналари ва бошқарув пулти жойлашуви ўзгартрилган. 52 йўловчи учун мўлжалланган самолётга янги ускуналар ўрнатилгани сабабли унинг вази аянча катта бўлган ва бу ҳаво кемасининг олис масофага парвоз қилиш имкониятини кенгайтиради.

Тақдимот маросимида Давлатлараро авиация кўмитасининг Авиация регистри раиси А.Круглов янги самолёт ИСАО талабларига тўлиқ жавоб беришини таъкидлади. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон авиация саноати катта имкониятларга эга эканини яна бир бор намойиш этди.

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти миллий авиакомпаниямиз учун йил охиригача яна битта «ИЛ-114-100» самолётини етказиб беради. Жами 8 та шундай лайнер ишлаб чиқарилади. Улар «Як-40» ва «Ан-24» самолётлари ўрнини эгаллайди ва парвозлар йўловчилар учун қулай ҳамда хавфсиз бўлишига хизмат қилади.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

лан бир қаторда Австралия миллий рамзи — кенгуру ва эму туяқуши жой олган.

Австралия — юксак даражада ривожланган саноат-аграр мамлакатдир. У иқтисодиётининг барқарор тараққиёти билан ажралиб туради. 2007 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти 889 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, иқтисодиётининг ўсиш даражаси 2,6 фоизга тенг бўлди.

Иқтисодиётининг энг муҳим тармоқлари — бу қайта ишлаш, тоғ-кон саноати ва кўрсатмоқда.

Спорт соҳасидаги алоқалар ҳам ривожланиб бораёпти. 2000 йилда Ўзбекистон спортчилари Сиднейда бўлиб ўтган XXVII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этишган. 2007 йил мартда эса синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Мельбурнда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида қатнашди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатда Маргарет Туми хоним айни пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини қайд этди. Австралия делегациясининг бу галги ташрифи футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг Австралия термаси билан 2010 йилги жаҳон чемпионатида чикш учун ўтказилаётган саралаш бахсларига тўғри келди.

(Давоми 2-бетда).

Ташриф доирасида австралиялик дипломат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекитуризм» миллий компаниясида учрашув ва музокаралар ўтказди, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Австралия — китъамамлакат бўлиб, сайёрамизнинг жанубий ярим шарида жойлашган. Австралиянинг шарқий қирғоғини Тинч океани, шимолий, ғарбий ва жанубий соҳилларини эса Ҳинд океани ювиб туради. Худуди қарийб — 7,7 миллион квадрат километр.

Аҳолиси — 21 миллион киши. Пойтахти — Канберра шаҳри. Миллий байрами — Австралия куни (26 январь 1788 йил). Австралия парламент монархияси ҳисобланади. Расмий жиҳатдан давлат раҳбари Буюк Британия қиролчасидир. Мамлакат генерал-губернатори — Квентин Брис, Бош вазир Либерал партия етакчиси Кевин Радд.

Австралия бетакрор табиатга эга экани боис уни «яшил китъа» деб аташлари бежиз эмас. Мамлакатнинг бу хусусияти унинг гербида ҳам акс этган бўлиб, ундан мамлакатнинг олти штати би-

ЎЗБЕКИСТОН — АВСТРАЛИЯ: МАСОФАЛАР ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА

АВСТРАЛИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ (ҚАРОРГОҲИ) МАСҚУБА ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН) МАРГАРЕТ ТУМИ ХОНИМ ЮРТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛДИ.

кишлоқ хўжалиги бўлиб, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг салмоқли қисми ташқи бозорга экспорт қилиш учун мўлжалланган. Кишлоқ хўжалиги соҳасида қорвачилик етакчи ўрин тутди. Австралия — жаҳон бозорига юқори сифатли жун-газламалар, гўшт-сут маҳсулотлари, бўғдой ва шakar етказиб берувчи мамлакатдир.

Австралия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йилнинг 26 декабрида тан олган ва дипломатия муносабатларини ўрнатган.

ЯНГИ НОМЛАР

Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан пойтахтдаги куйидаги кўчалар ва бошқа баъзи топонимик объектлар номлари тартибга келтирилди.

Кўча(жой)нинг ҳозирги номи	Янги номи	Изоҳ
Бектемир тумани		
Чо Мен Хи	Роҳат	Шу номдаги кўлга энг яқин кўча бўлгани учун. «Зилола» ва «Истиқбол» маҳаллалари
Парсо Шамсиев	Катта ариқ	Кўча ёқалаб ўтадиган Бектемир каналига уйғунлаштириш мақсадида. Абай номидаги маҳалла
Парсо Шамсиев тор кўчаси	Катта ариқ 1-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
Мирзо Улугбек тумани		
Боис Эргашев	Фазо	Жойнинг аввалги номини тиклаш мақсадида. Навоий номидаги маҳалла
Зулайхо	Дўрмон йўли	Шу номдаги кўчанинг давоми бўлгани учун
Али Исамухамедов	Турон	Жойдаги сихаттоҳ номи билан уйғунлаштириш мақсадида. «Нодирабегим» маҳалласи
Али Исамухамедов тор кўчаси	Турон тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида «Шўртена» маҳалласи
Али Исамухамедов 1-берк кўчаси	Турон 1-берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида «Нодирабегим» маҳалласи
Али Исамухамедов 2-берк кўчаси	Турон 2-берк кўчаси	// - // - //
Али Исамухамедов 3-берк кўчаси	Турон 3-берк кўчаси	// - // - //
Али Исамухамедов 4-берк кўчаси	Турон 4-берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. «Шўртена» маҳалласи
Али Исамухамедов 5-берк кўчаси	Турон 5-берк кўчаси	// - // - //
Али Исамухамедов 7-берк кўчаси	Турон 6-берк кўчаси	// - // - //
Муса Жалил	Қибрай	Йўналишдаги жой номига уйғунлаштириш мақсадида. «Гулистон» маҳалласи
Эргаш Комилов	Олчабоғ	Ўз маъносига. «Гулистон» маҳалласи
Донская	Хирмонтепа 4-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. «Гулистон» маҳалласи
Абдужамил Матқобулов	Мингбулоқ	Кўча йўналишидаги мавжуд булоқни жойга уйғунлаштириш мақсадида. Навоий номидаги маҳалла
Номсиз кўча (Г-40)	Аҳмад Югнакий	Жойдаги мавзе номи билан уйғунлаштириш мақсадида. Аҳмад Югнакий мавзеси
Ёқуб Маҳмудов	Навниҳол 4-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. Ф. Ҳўжаев номидаги маҳалла
Миробод тумани		
Ҳамид Мирсолиҳов	Сарикўл 3-тор кўчаси	Шу номдаги тарихий ном билан юритилган кўчага туташ бўлгани учун. «Истиқлол» ва «Наврўз» маҳаллалари
Мирсолиҳов тор кўчаси	Сарикўл 4-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Наврўз» маҳалласи
Мирсолиҳов муюлиши	Сарикўл 5-тор кўчаси	// - // - //
Мирсолиҳов 1-берк кўчаси	Сарикўл 2-берк кўчаси	// - // - //
Мирсолиҳов 2-берк кўчаси	Сарикўл 3-берк кўчаси	// - // - //
Мирсолиҳов 3-берк кўчаси	Сарикўл 5-берк кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. Жойда 4-берк кўча бор. «Наврўз» маҳалласи
Павел Ржевский	Мироншоҳ 7-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Янги Миробод» ва «Байналмилад» маҳаллалари
Павел Ржевский 1-берк кўчаси	Мироншоҳ 3-берк кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Янги Миробод» маҳалласи
Павел Ржевский 2-берк кўчаси	Мироншоҳ 4-берк кўчаси	// - // - //
Сергели тумани		
Ислом Сатторов	Лутфкор	Кўчанинг тарихий номини тиклаш мақсадида
Ислом Сатторов 1-тор кўчаси	Лутфкор 1-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида
Ислом Сатторов 2-тор кўчаси	Лутфкор 2-тор кўчаси	// - // - //
Ислом Сатторов 3-тор кўчаси	Лутфкор 3-тор кўчаси	// - // - //
Сайфи Олимов	Кумариқ	Жойнинг тарихий номини маҳалланинг марказий кўчасига ўтказиш мақсадида. «Кумариқ» маҳалласи
Акмал Икромов (вилоятдан ўтган)	Кумариқ 1-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида
Кумариқ (кичик кўча)	Кумариқ 2-тор кўчаси	// - // - //

Ҳамид Олимжон (такрор)	Кумариқ 3-тор кўчаси	// - // - //
Ойбек (такрор)	Кумариқ 4-тор кўчаси	// - // - //
Дўстлик (такрор)	Кумариқ 5-тор кўчаси	// - // - //
Абдулла Қодирий (такрор)	Кумариқ 6-тор кўчаси	// - // - //
Беруний (такрор)	Кумариқ 7-тор кўчаси	// - // - //
Муқимий берк кўчаси (такрор)	Кумариқ 1-берк кўчаси	// - // - //
Баҳт берк кўчаси (такрор)	Кумариқ 2-берк кўчаси	// - // - //
Усмон Юсупов (вилоятдан ўтган)	Обираҳмат 3-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Кумариқ» маҳалласи
Низомий берк кўчаси (такрор)	Обираҳмат 2-берк кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида
Интернациональ (вилоятдан ўтган)	Шохруҳия 1-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Кумариқ» маҳалласи
Уста Ширин берк кўчаси (такрор)	Шохруҳия 2-тор кўчаси	// - // - //
Завқий берк кўчаси (такрор)	Шохруҳия берк кўчаси	// - // - //
Дўстлик (такрор)	Қўшқўрғон	Шу номдаги кўчанинг давоми бўлгани учун. «Қўшқўрғон» маҳалласи
Ойбек (такрор)	Қўшқўрғон 2-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Қўшқўрғон» маҳалласи
Абрикосовая	Қўшқўрғон 3-тор кўчаси	// - // - //
Абрикосовая берк кўчаси	Қўшқўрғон 3-берк кўчаси	// - // - //
Собир Раҳимов тумани		
Й. Охунбоев номидаги бош кийимлар фабрикаси	Тошкент бош кийимлар фабрикаси	Корхона номини соддалаштириш мақсадида
Учтепа тумани		
Сайдулла Сайдаминов	Чевар 3-тор кўчаси	Кўчанинг аввалги номини тиклаш мақсадида. «Оқмасжид» маҳалласи
Назир Тўрақулов 4-тор кўчаси	Лолазор 8-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Богичинор» маҳалласи
Ҳамза тумани		
Степан Калишев	Авиасозлар	Кўча йўналишида Авиасозлар шаҳарчаси, Авиасозлар маданият саройи ва Авиасозлар бозори жойлашгани учун.
Умаржон Исмоилов	Авиасозлар 1-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. М. Улугбек номидаги маҳалла
Авиасозлар (кичик кўча)	Авиасозлар 2-тор кўчаси	Жой номини тартибга келтириш мақсадида. «Ҳамза» маҳалласи
Авиасозлар 1-тор кўчаси	Авиасозлар 3-тор кўчаси	// - // - //
Авиасозлар 2-тор кўчаси	Авиасозлар 4-тор кўчаси	// - // - //
Майна Ҳасанова	Алимкент 1-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. М. Улугбек, Навоий ва «Умид» маҳаллалари
Майна Ҳасанова 1-тор кўчаси	Алимкент 2-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
Майна Ҳасанова 2-тор кўчаси	Алимкент 3-тор кўчаси	// - // - //
Турор Рисқулов	Алимкент 4-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. «Махмур» маҳалласи
Майна Ҳасанова берк кўчаси	Алимкент 1-берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. Навоий номидаги маҳалла
Ёқуб Алиев номидаги маҳалла	«Ойдинқўл» маҳалласи	Жойнинг тарихий номи ва жойдаги кўча номи билан уйғунлаштириш мақсадида
Ёқуб Алиев	Шоҳимардон	Водийдаги жой номи. (1930-йиллардан буён худудда асосан водийликлар яшайди)
Ёқуб Алиев 1-тор кўчаси	Шоҳимардон 1-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида.
Ёқуб Алиев 2-тор кўчаси	Шоҳимардон 2-тор кўчаси	// - // - //
Иноғом Юнусов номидаги маҳалла	«Янги давр» маҳалласи	Жойдаги гузар номи билан уйғунлаштириш мақсадида
Гребеншиков	Саядиқли 1-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. «Дўстлик» маҳалласи
Дарвин	Саядиқли 2-тор кўчаси	// - // - //
Шамсрўй Ҳасанова	Саядиқли 3-тор кўчаси	// - // - //
Камская	Паркент 3-тор кўчаси	// - // - //
Мурманск	Паркент 4-тор кўчаси	// - // - //
Хабаровск	Паркент 5-тор кўчаси	// - // - //
Байкал	Паркент 6-тор кўчаси	// - // - //
Речная	Паркент 7-тор кўчаси	// - // - //

А. Кожевников	Сулола 4-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. Ш. Рашидов номидаги маҳалла
Шайхонтоҳур тумани		
Ҳадича Мусахонова	Орифон	Маънавиятли ва маърифатли кишилар маъносига. «Исломобод» маҳалласи
Туркшөлк	Туркипақ	Жой номини миллийлаштириш мақсадида. «Самарқанд Дарвоза» маҳалласи
Ж. Файзуллаев	Оқсой 3-тор кўчаси	Жойнинг тарихий номини тиклаш мақсадида. «Кўкча» маҳалласи
Ж. Файзуллаев	Оқсой 3-тор кўчаси	Жойнинг тарихий номини тиклаш мақсадида. «Кўкча» маҳалласи
Маҳмуд Маърупов	Тинчлик 4-тор кўчаси	Кўчанинг аввалги номини тиклаш мақсадида. «Тинчлик» маҳалласи
Ҳусанхон Мушқин	Тинчлик 5-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Тинчлик» маҳалласи
Юнусобод тумани		
Г.в. полковник Ходжаев	Ифтихор	Кўча йўналишидаги спорт мажмуаларига уйғунлаштириш мақсадида
Ойша Нурмухамедова	Шивли берк кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Радиосон-САС-Тошкент» меҳмонхона мажмуаси қурилган, ўтар кўча берк кўча бўлиб қолгани учун. «Шивли» маҳалласи
Турсун Нажмитдинов	Саядиққўрғон 3-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Туркқўрғон» ва «Уста Ширин» маҳаллалари
Абдулла Зоҳидов	Саядиққўрғон 4-тор кўчаси	// - // - //
Ҳабиба Юсупова	Саядиққўрғон 5-тор кўчаси	// - // - //
Обид Зокиров тор кўчаси	Чинобол тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «1-Отчопар» маҳалласи
Обид Зокиров 1-тор кўчаси	Чинобол 1-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «2-Отчопар» маҳалласи
Обид Зокиров 2-тор кўчаси	Чинобол 2-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида
Обид Зокиров 3-тор кўчаси	Чинобол 3-тор кўчаси	// - // - //
Обид Зокиров 4-тор кўчаси	Чинобол 4-тор кўчаси	// - // - //
Фотима Сиддиқова	Бодомзор 7-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Мингўрик» маҳалласи
Зариф Жалолов	Бодомзор 8-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Хиёбонтена», «Бодомзор», «Мингўрик» маҳаллалари
Вальдемар Шаландин	Бодомзор 9-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Хиёбонтена» маҳалласи
Полковник Қосимов	Бодомзор 10-тор кўчаси	// - // - //
Абдукарим Набиҳўжаев	Туркқўрғон 5-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Туркқўрғон» маҳалласи
Султонхўжа Қосимхўжаев	Туркқўрғон 6-тор кўчаси	// - // - //
Тепакўрғон тор кўчаси	Тепакўрғон	Шу номдаги кўчанинг давоми бўлгани учун. «Обод» маҳалласи
Яккасарой тумани		
Султонбек Исломобеков	Ракатбоши 5-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. Юнус Ражабий номидаги маҳалла
Султонбек Исломобеков 1-тор кўчаси	Ракатбоши 6-тор кўчаси	// - // - //
Султонбек Исломобеков 2-тор кўчаси	Ракатбоши 7-тор кўчаси	// - // - //
Карим Каримов	Боттепа	Жойнинг тарихий номи. «Тепе» маҳалласи
Карим Каримов 1-тор кўчаси	Боттепа 1-тор кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Тепе» маҳалласи
Карим Каримов 2-тор кўчаси	Боттепа 2-тор кўчаси	// - // - //
Карим Каримов 3-тор кўчаси	Боттепа 3-тор кўчаси	// - // - //
Қамол Жалилов	Боттепа 4-тор кўчаси	// - // - //
Ҳасан Расулов	Боттепа 5-тор кўчаси	// - // - //
Шопўлат Абдуллаев	Ракат	Жойнинг тарихий номи. «Ракат» ва Абдулла Авлоний номидаги маҳаллалар
Мавжуда Абдурахмонова	Абдулла Авлоний 1-тор кўчаси	Шу номдаги кўчага туташ бўлгани учун. «Уриқзор» маҳалласи



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

Бир жонни ҳалокатдан қутқазган киши уни тирилганининг савобини топади.

Донишмандлар бировга ёмонлик қилишни маслаҳат бермайдилар.

Ўз биродарига қудуқ қазиган киши, ўша қудуққа ўзи тушади.

Дўст дўстига қаттиқ қийинчиликда қолган чоғида ярамаса, қачон ярайди.

Дўст ҳатто дўстини қутқазиб йўлида ҳалок бўлишга ҳам тайёр бўлиши керак.

Шафқатли дўст бир қориндан талашиб тушган биродардан ҳам афзал.

Баланд меваларга етмаса бўйинг, Қаноат айлагин ерда хас-чўлга. Агар насия экан кўз тиккан кўйинг, Ундан яхшироқдир парча нақд ўлка.

Киши душманлик ўрнига ишонч билдирса, хато қилган бўлади.

Ишончсиз кишига ишонган киши алданади, синалгани синаган киши ўкинади, турли ҳолатларни бир-биринан фарқ қилмайдиган, биргина ҳолатга қараб ҳамма ишни қилаверадиган кишининг насибаси оз бўлиб кўп қийинчилик тартади.

Ҳар қандай одамдан, қил доим гумон, Шубҳа — зийракликдир, сақлар у омон!

Яқин кишингдан ҳам бўлгин бадгумон, Шунда мушкулларинг ечилур осон. Очик юз билан боқ душманингга ҳам, Аммо, дилда унга бўлгин бекарам.

Энг ишонган кишинг, балки энг ёвуз, Эҳтиёткорликда бирга суҳбат туз. Кунлар бир хил эмас, одам ҳар турли, Баъзи кун булутли, баъзи кун нурли.

Бадгумонлик, шубҳа билан қараш ҳамма вақт ҳам яхши натижа беравермайди. Ишонч эса, яхши ахлоқдан бўлиб, оқибатда кишини ҳалокатдан қутқаради.

Ваъдага вафо қилиш яхши, алдаш ёмон.

Ҳазилнинг ҳар қандай ҳазил қилувчи ҳам босиб ўтолмайдиган чегараси бўлади.

Билимсиз фосиққа ошна бўлма, ёмонликка бошлайди, яхшиликка йўлламайди, Ёлғончига ўртоқ бўлма, яхшилигингни яшириб, ёмонлигингни оширади.

Ўлимдан бошқа ҳамма нарсага ҳийла бор: ҳамма нарсанинг тузалиши мумкин, бузилган одамни тузатиб бўлмайди, бир тақдирни қайтариб бўлмайди.

Ишонма жилмайса душман кишига, Ўшамас атвори қилган ишига. Илон ялтироғу пўсти мулойим, Аммо захар солмоқ қасдидир доим.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.

Хусусий тадбиркор «Боқижонов Д.Б»га тегишли думалоқ муҳр ва тўрт бурчак штамп, №09-03881 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР қилинади**



Тадбирлар

ТАЪССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК. АЛБАТТА, ИНСОНЛАР СОҒЛИГИНИ ТИКЛАШДА, УЛАРНИНГ ДАРДЛАРИГА МАЛҲАМ БЎЛИШДА САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ БЎЛГАН ШИФОКОРЛАРНИНГ ҲИССАСИ БЕКИЁСДИР. АНА ШУНДАЙ ЭЛ-ЮРТ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА ТИНМАЙ МЕҲНАТ ҚИЛАДИГАН МАЛАКАЛИ ЕТУК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР.

Мазкур олий ўқув юрти мамлакатимиздаги тиббиёт олийгоҳлари орасида илмий салоҳиятини мукамаллиги ҳамда моддий техника базасининг мустаҳкамлиги, етказиб бераётган кадрлари савиясининг юқорилиги билан алоҳида нуфузга эгадир. Тиббиёт Академияси ҳар йили 1000 нафардан зиёд бакалавр, яъни умумий амалиёт шифокорларига ва 300 нафардан ортик магистрларга тиббиётнинг қарийб 40 га яқин мутахассислиги бўйича таълим бериб, юртимиз аҳолиси саломатлигини тиклаш ва малакали тиббиёт хизмат кўрсатишлари учун йўлланма беради. Шунинг билан айташ мумкинки, бугунги кунда мазкур олийгоҳда тиббиёт сирларини мукамал эгаллаган минглаб шифокорлар сидқидилдан меҳнат қилиб, эл олқишига сазовор бўлишмоқда, устозлари юзини ёруғ қилишмоқда.

Янги ўқув йилида ҳам 650 нафар йигит-қиз Давлат тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талаба деган қутлуғ номга сазовор бўлдилар. Албатта, Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги тантаналари кунларида бундай

бахтиёрлик нашидасини сураётган ёшлар қўшалок байрамни фахрланиб нишонлашди.

Куни кеча пойтахтимиздаги мухташам «Туркистон» саройида Тиббиёт Академиясининг даволаш, тиббий педагогика, тиббий профилактика, стоматология ҳамда олий тоифадаги ҳамширалар тайёрлаш факультетларига қабул қилинган талабалар Истиклолнинг қутлуғ байрамини тантанали нишонлаш баробарида Ўзбекистон тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг қасамёдини қабул қилиш шарафига муяссар бўлишди.

«Талабалikka бағишлов» деб номланган ушбу тантана олийгоҳимиз учун аънамага айланган бўлиб, — дейди тантанани кириш сўзи билан очган Тошкент Тиббиёт Академияси маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Шерзод Зокирхўжаев, — мазкур тадбир Энг азиз, энг улуғ байрам — Мустақиллик шодиёналари билан ҳамоҳангликда ўтказилади. Албатта, Истиклол шарофати билан ёшларимиз билим олиш, етук мутахассислар бўлиб етишиш учун барча имкониятларга

эга бўлишди. Жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинган ва дастур асосида қатор ибратли ишларнинг амалга оширилатганлиги бунинг яққол исботидир. Яратилган имкониятлардан кенг фойдаланиб, юртга содиқ фарзанд бўлиш, мустақилликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш, ҳам маънан, ҳам ақлан, ҳам жисмонан баркамол бўлишга интилиш йигит-қизларимизнинг муқаддас бурчидир. Бугун талабалikka қабул қилинган ёшларимиз ҳам, албатта бундан ҳис қилмайдилар, деган умиддамиз.

Авалло шунинг айтиш лозимки, тантананинг қизгин тайёргарлик кўрилганлиги эътиборингизни тортади. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи ранг-баранг стендлар кишида ҳаётга, яшашга муҳаббат уйғотади. Шунингдек, тадбир давомида янраган Ўзбекистон Республикаси симфоник оркестри чолғучилари ижросидаги куйлар, Академия тарихидан ҳикоя қилувчи Афлотун, Ибн Сино, Ар-Розий, Гиппократ сингари буюк алломалар сиймосидаги театрлаштирилган томошалар йиғилганларда ўзга-

ча завқ уйғотган бўлса, таниқли академик ва профессорларнинг дил сўзлари, самимий табрикларини, касб масъулияти ва шарафи ҳақидаги ўғитлари ёш талабаларни тўлқинлантириб юборгани айни ҳақиқат.

Тантанали мусиқа садолари янграб, қасамёд қилиш онлари бошланганда, албатта ҳаяжону фахр, танланган касбга меҳр кўнгилларга ошно бўлди. Бугун жаҳон талабаларининг мадҳияси гуадеамус садолари бўлажак шифокорлар қалбига қувонч ва гуруру туйғуларини солди.

— Шундай ҳаяжонли дамларда шифокорлик касбини танлаганимдан ниҳоятда гурурланиб кетдим, — дейди даволаш факультети талабаси Комилжон Райимов. — Бизларга шундай юксак ишонч билдирилмоқда. Албатта, биз бунга муносиб бўлиб, эл-юрт саломатлиги йўлида хизмат қиладиган, беморларни қалб қўри билан даволайдиган шифокор бўлмоғимиз даркор. Сендан наҳот кутиб турган инсонга умид бағишлаш бу катта бахт. Мен, шубҳасиз устозларимдан етарлича сабоқ олиб, етук саломатлик по-

сбони бўлиб етишаман.

Ҳа, юз-кўзларидан олтин давр — талабаликнинг қувонч билан уриб турган йигит-қизларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, эзгу ниятларини билдиришди, халқ саломатлигини асрашда муҳим ҳисса қўшишга, орзуларидикидек шифокор бўлишга ваъда беришди.

Тадбир давомида куйлар қўшиқларга, қўшиқлар рақсларга, рақслар эса кулгили ҳангомаларга уланди. Академия талабаларининг «Адреналин» ижодий гуруҳи аъзолари ўзларининг ичакузди латиқалари билан барчага бир олам кулгу бахш этди. Зеро, узок умр кўришда яхши кайфиятнинг, кулгунинг аҳамияти бекиёслигини бўлғуси шифокорлар жуда яхши билишади. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, тадбирда талабаликнинг синов дафтари ва шифокорнинг фонендоскопни ардоқлаш, унинг қадрига етиш туйғуси ўғил-қизлар қалбидан жой олди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Чет элда ишлаш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диққатига!

Чет элда меҳнат фаолиятининг амалга оширишнинг амалдаги тартиб-қоидалари, ишга жойлашиш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида маълумотлар олиш, Корея Республикаси, Россия Федерацияси ва бошқа чет эл мамлакатларида қонуний асосда меҳнат қилишнинг тартиблари

тўғрисида маслаҳатлар олиш, шунингдек, турли шубҳали жисмоний ёки юридик шахслар томонидан чет элларда ишга жойлаштириш борасида таклифларга аниқлик киритиш, чет элларга ноқонуний миграциянинг олдини олиш ва одам савдосига йўл қўймаслик мақсадида республикамиз фуқаро-

ларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» — **8(371) 232-27-88 ва 8(371) 252-13-61** рақамларига қўнғирок қилишларини сўраймиз.

Тошкент шаҳар корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

1. «Тошиссиққуввати» ИЧБ маълум қиладикки, 2008 йил 1 октябрдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси тарифи ҚҚСсиз 15 648,00 сўм/Гкал миқдорига ва ҚҚС билан 18 777,60 сўм/Гкал миқдорига белгиланди.
2. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК Тошкент шаҳар аҳолиси эътиборига, шунинг билан маълум қиладикки, 2008 йил 1 октябрдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф(нарх)лар белгиланади:
 - марказий иситиш — 278,00 сўм/м²/ой (турар жой майдони);
 - иссиқ сув таъминоти:
 - **ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 2 903,00сўм/киши/ой**
 - **умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун — 2 159,31 сўм/киши/ой;**
 - **ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда — 891,93 сўм/м²**

ДУК «СУВСОЗ» ТРЕСТИНИНГ «ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Электр энергияси нархининг ошганлигини инобатга олиб, 2008 йил 1 октябрдан тижорат ва саноат корхоналари учун тарифларнинг қайта киритилишини хабар қиладик:

Сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 109 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз
Оқава сув бўйича — 1 м³ учун 69 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз

ДУК «СУВСОЗ» ТРЕСТИ

Электр энергияси нархининг ошганлигини инобатга олиб, 2008 йил 1 октябрдан Тошкент шаҳар аҳолиси учун тарифларнинг қайта киритилишини хабар қиладик:
Сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 52 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз
Оқава сув бўйича — 1 м³ учун 33 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3329 нусхада босилди. Қоғоз бирими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқдоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.